



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 1 » noyabr

№ 631

Toshkent sh.

### **Сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида**

Сув ва салқин ичимликларни ишлаб чиқариш, олиб кириш ва уларнинг айланмасини ҳисобга олиш механизмларини тубдан такомиллаштириш ҳамда қонуний айланмасини таъминлаш, шунингдек, ушбу маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

а) Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2020 йил 20 ноябрдаги 737-сон қарори билан “Asl belgisi” маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда – “Asl belgisi” МАТ) жорий қилинганлиги ҳамда “CRPT TURON” МЧЖ мазкур тизимнинг оператори (кейинги ўринларда – оператор) сифатида белгиланганлиги;

б) Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги 833-сон қарорига мувофиқ, маркировка кодлари ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчиларга оператор томонидан тақдим этилиши, шунингдек электрон ҳисобварақ-фактураларда ва онлайн назорат касса техникасининг сотув чекларида акс этилиши орқали Давлат солиқ қўмитасининг маълумотларни қайта ишлаш маркази томонидан операторга ушбу маркировка кодларни ҳаракати юзасидан маълумотлар тақдим этилиши;

в) Вазирлар Маҳкамасининг “Мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 20 майдаги 322-сон қарорига мувофиқ сув ва салқин ичимликларни рақамли маркировкалаш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича тажриба лойиҳаси амалга оширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг сув ва салқин ичимликларни муддатлари бўйича гуруҳларга бўлишни назарда тутган ҳолда идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини

2023–2024 йиллар давомида босқичма-босқич жорий қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда мажбурий рақамли маркировкалашни **бошлаш муддатлари** ҳамда **маҳсулотлар турлари** қуйидагича белгилансин:

**биринчи гуруҳ** – ачитилмаган ва таркибига спирт қўшилмаган, шакар ёки бошқа ширинлик қўшилган ёки қўшилмаган мева шарбатлари (узум шираси мустасно) ва сабзавот шарбатлари, шунингдек газланган ҳамда газланмаган сувлар ва ичимликлар – **2023 йил 1 июлдан** бошлаб;

**иккинчи гуруҳ** – металл, шу жумладан, алюмин идишдаги сув ва салқин ичимликлар – **2024 йил 1 августдан** бошлаб.

### 3. Қуйидагилар:

Мажбурий рақамли маркировкаладиган сув ва салқин ичимликларнинг идентификация кодлари рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

Сув ва салқин ичимликларни ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини босқичма-босқич жорий қилиш графиги **2-иловага** мувофиқ;

Сув ва салқин ичимликларни импорт қилувчи ташкилотлар томонидан мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини босқичма-босқич жорий қилиш графиги **3-иловага** мувофиқ;

Сув ва салқин ичимликларни улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари томонидан мажбурий рақамли маркировкалаш тизимига босқичма-босқич ўтиш графиги **4-иловага** мувофиқ;

Сув ва салқин ичимликларни идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш хусусиятлари тўғрисидаги низом **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

### 4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

оператор томонидан мажбурий рақамли маркировкаланиши белгиланган сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкалаш учун маркировка кодлари мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларга ва импорт қилувчиларга тегишли буюртма асосида тақдим этилади;

сув ва салқин ичимликларни идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш тартиби 2023–2024 йиллар давомида босқичма-босқич жорий қилинади;

Ўзбекистон Республикасида ПЕТ қадокларида ярим (0,5) литр ва ундан ошмаган ҳолда ишлаб чиқарилган газланмаган сувларни мажбурий рақамли маркировкалашда идентификация воситаларини шакллантириш мақсадида рақамли маркировка кодлари оператор томонидан бепул тақдим этилади;

сув ва салқин ичимликларнинг тегишли гуруҳини мажбурий рақамли маркировкалаш тартибини жорий қилиш кунига қадар ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи ташкилотлар операторга маркировка кодларини

буюртма беришга ҳамда ушбу маҳсулотларни уларнинг қадоқларига идентификациялаш воситаларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқаришга ҳақли;

**2023 йил 1 июлдан эътиборан** тегишли гуруҳдаги сув ва салқин ичимликларни импорт қилувчилар зиммасига божхона юк декларациясида импорт қилинадиган маҳсулотлар бўйича агрегацияланган импорт коддини акс эттириш мажбурияти юкланади.

5. Белгилансинки, сув ва салқин ичимликларнинг тегишли гуруҳини мажбурий рақамли маркировкалаш тартиби жорий қилинган кундан бошлаб:

тегишли гуруҳдаги сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкасиз маҳаллий ишлаб чиқариш (экспорт учун ишлаб чиқариш бундан мустасно) тақиқланади. Бунда мазкур ҳолатлар аниқланганда, қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлади;

мажбурий рақамли маркировкаланадиган сув ва салқин ичимликларнинг маркировкаланмасдан сотилиш ҳолатлари бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўрилган ҳолда, рақамли маркировка қоидаларини, шунингдек, савдо қоидаларини бузиш (ҳужжатлари мавжуд бўлмаган товарларни сотиш) сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинаётган сув ва салқин ичимликларнинг агрегацияланган импорт коди бўйича маълумотларни божхона юк декларациясида кўрсатилмасдан, “эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштириш тақиқланади;

**олти ой мобайнида** тегишли гуруҳдаги сув ва салқин ичимликларни ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар томонидан рақамли маркировкаланмаган сув ва салқин ичимликлар қолдиқларини сотишга рухсат берилади;

**тўққиз ой мобайнида** тегишли гуруҳдаги сув ва салқин ичимликларни улгуржи савдо ташкилотлари томонидан рақамли маркировкаланмаган сув ва салқин ичимликлар қолдиқларини сотишга рухсат берилади;

**тўққиз ой ўтгач** тегишли гуруҳдаги сув ва салқин ичимликларни маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари ўртасида тақсимлашни фақат электрон ҳисобварақ – фактураларга маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни киритган ҳамда “Asl belgisi” МАТга маълумот юборган ҳолда амалга оширилади;

тегишли гуруҳлар учун белгиланган мажбурий рақамли маркировкалаш санасига қадар ишлаб чиқарилган ва юқорида белгиланган муддатларда эркин муомалага киритилган сув ва салқин ичимликларни чакана савдо ташкилотлари томонидан **ўн икки ойдан кўп бўлмаган** муддатда идентификация воситаларисиз сотишга рухсат берилади;

сув ва салқин ичимликларни ишлаб чиқариш, олиб кириш (импорт қилиш), уларнинг чакана ёки улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарга ушбу қарорга 2–4 иловаларда келтирилган муддатларда “Asl belgisi” МАТга уланиш ҳамда мазкур тизимга рақамли маркировкаланган маҳсулотларнинг муомалага

киритилиши, муомалада бўлиши ва муомаладан чиқарилиши тўғрисидаги тегишли маълумотларни тақдим этиш мажбурияти юкланади.

6. Оператор Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда “Asl belgisi” МАТда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тегишли шартномани имзолаган сув ва салқин ичимликларни ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи ташкилотларни **2023 йил 1 июлга қадар** буюртмаларни бошқариш станцияси билан, шу жумладан, мазкур ускуналардан масофавий фойдаланиш имкониятини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасида сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкалаш тартиби жорий қилинганлиги тўғрисида хорижий давлатлар хабардор қилинишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг **6-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда уни амалга ошириш жараёнларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “ 1 ” ноябрдаги 631-сон қарорига  
1-илова

**Мажбурий рақамли маркировкаланадиган  
сув ва салқин ичимликларнинг идентификация кодлари  
РЎЙХАТИ\***

| <b>Т/р</b>           | <b>Маҳсулот номи</b>   | <b>ТИФ ТН<br/>коди<br/>позицияси</b> | <b>Маҳсулотлар<br/>идентификация<br/>кодларининг<br/>синф коди</b> |
|----------------------|--|--------------------------------------|--|
| <b>Биринчи гуруҳ</b> |  |                                      |  |
| 1                    | Ачитилмаган ва таркибида спирт қўшилмаган, шакар ёки бошқа ширинлик қўшилган ёки қўшилмаган мева шарбатлари (узум шираси бундан мустасно) ва сабзавот шарбатлари, шунингдек газланган ҳамда газланмаган сувлар ва ичимликлар | 2009, 2201,<br>2202                  | 02009, 02201,<br>02202   |
| <b>Иккинчи гуруҳ</b> |  |                                      |  |
| 2                    | Металл, шу жумладан, алюмин идишдаги сув ва салқин ичимликлар  | 2201, 2202                           | 02201, 02202   |

*\*) рўйхатда келтирилган ТИФ ТН ҳамда МХИК кодлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан “Asl belgisi” МАТ оператори билан келишган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “ 1 ” ноябрдаги 631-сон қарорига  
2-илова

**Сув ва салқин ичимликларни ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан мажбурий  
рақамли маркировкалаш тизимини босқичма-босқич жорий қилиш  
ГРАФИГИ**

| Т/р   | Тадбирлар номи   | Амалга ошириш муддати         |                                |
|---|--|-------------------------------|--------------------------------|
|   |  | биринчи гуруҳ                 | иккинчи гуруҳ                  |
| <b>1-босқич. Мажбурий рақамли маркировкалаш тизимига ўтиш юзасидан тайёрғалик ишларни амалга ошириш</b>     |  |                               |                                |
| 1.1   | “Asl belgisi” МАТда рўйхатдан ўтиш ва тегишли шартномани имзолаш.  | 2023 йил<br>1 февралга қадар  | 2024 йил<br>1 мартга қадар     |
| 1.2   | Рақамли маркировка қоидалари ва “Asl belgisi” МАТда ишлаш тартиби юзасидан масъул ходимларни ўргатиш.  | 2023 йил<br>15 февралга қадар | 2024 йил<br>15 мартга қадар    |
| 1.3   | “Маркировкаланган маҳсулотлар каталоги” тизимига барча ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни киритиш.  | 2023 йил<br>25 июнга қадар    | 2024 йил<br>25 июлга қадар     |
| 1.4   | Рақамли маркировкаланмаган маҳсулотлар қолдиғи ҳажмини аниқлаш мақсадида корхонада тегишли хатловни амалга ошириш ҳамда маълумотларни Давлат солиқ қўмитасига ва “Asl belgisi” МАТга тақдим этилишини таъминлаш. | 2023 йил<br>1 июлга қадар     | 2024 йил<br>1 августга қадар   |
| <b>2-босқич. Маҳсулотнинг истеъмол қадоғига махсус жой ажратиш. Зарур ускуналарни сотиб олиш ва ўрнатиш</b> |  |                               |                                |
| 2.1   | Ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан ўз маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва логистика тизимларини жорий қилинадиган рақамли маркировка тизимига мослиги юзасидан ўрганиш ўтказиш.                               | 2023 йил<br>1 мартга қадар    | 2024 йил<br>1 апрелга қадар    |
| 2.2.  | Талабларга мувофиқ маҳсулотнинг истеъмол қадоғига идентификация воситасини елимлаш учун махсус жой ажратилишини таъминлаш.   | 2023 йил<br>1 апрелга қадар   | 2024 йил<br>1 майга қадар      |
| 2.3   | Зарур ускуналарни ва дастурий маҳсулотларни сотиб олиш тўғрисида шартнома тузиш.   | 2023 йил<br>1 апрелга қадар   | 2024 йил<br>1 майга қадар      |
| 2.4   | Зарур ускуналарни ва дастурий маҳсулотларни олиб келиш.  | 2023 йил<br>1 июнга қадар     | 2024 йил<br>1 июлга қадар      |
| 2.5   | Ишлаб чиқариш линияларида зарур ускуналарни ва дастурий маҳсулотларни ўрнатиш.   | 2023 йил<br>25 июнга қадар    | 2024 йил<br>25 июлга қадар     |
| <b>3-босқич. Мажбурий рақамли маркировкалашни жорий этиш</b>  |  |                               |                                |
| 3.1   | Мажбурий рақамли маркировкаланган сув ва салқин ичимликларни ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш.   | 2023 йил<br>1 июлдан бошлаб   | 2024 йил<br>1 августдан бошлаб |

| Т/р  | Тадбирлар номи  | Амалга ошириш муддати          |                                 |
|--|---|--------------------------------|---------------------------------|
|  |   | биринчи гуруҳ                  | иккинчи гуруҳ                   |
| 3.2  | Маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тўғрисидаги маълумотлар “Asl belgisi” МАТга тақдим этилишини талаб қилиш.  | 2023 йил<br>10 июлдан бошлаб   | 2024 йил<br>10 августдан бошлаб |
| <b>4-босқич. Агрегациялаш тизимини жорий қилиш</b>   |   |                                |                                 |
| 4.1  | Агрегациялаш тизимининг тартиб ва қоидаларини ўрганиш.  | 2023 йил<br>1 декабрга қадар   | 2025 йил<br>5 январга қадар     |
| 4.2  | Тизимни жорий қилиш учун талаб қилинадиган ускуна ва дастурий маҳсулотларни сотиб олиш бўйича шартномаларни тузиш.  | 2024 йил<br>1 январга қадар    | 2025 йил<br>1 февралга қадар    |
| 4.3  | Ускуна ва дастурий маҳсулотлар ўрнатилишини таъминлаш.  | 2024 йил<br>15 мартга қадар    | 2025 йил<br>15 апрелга қадар    |
| 4.4  | Тайёр маҳсулотларни агрегациялаш тизимини йўлга қўйиш.  | 2024 йил<br>1 апрелдан бошлаб  | 2025 йил<br>1 майдан бошлаб     |
| <b>5-босқич. Маркировкаланмаган маҳсулотларни сотиш, маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни “Asl belgisi” МАТга тақдим этиш</b> |   |                                |                                 |
| 5.1  | Маркировкаланмаган сув ва салқин ичимликлар қолдиқларининг сотилишини ва (ёки) учинчи шахсларга сотилиши билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муомаладан чиқарилишини таъминлаш. | 2024 йил<br>1 январга қадар    | 2025 йил<br>1 февралга қадар    |
| 5.2  | Рақамли маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон ҳисоб-варақ фактураларга бириктирилишини таъминлаш.   | 2024 йил<br>1 апрелдан бошлаб  | 2025 йил<br>1 майдан бошлаб     |
| 5.3  | Сув ва салқин ичимликларни савдо субъектларига сотиш тўғрисида маълумотларни “Asl belgisi” МАТга тақдим этиш.   | 2024 йил<br>10 апрелдан бошлаб | 2025 йил<br>10 майдан бошлаб    |
| 5.4  | Маҳсулотлар айланмаси бўйича барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни “Asl belgisi” МАТга киритиш.  | 2024 йил<br>1 июлдан бошлаб    | 2025 йил<br>1 августдан бошлаб  |

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “ 1 ” ноябрдаги 631-сон қарорига  
3-илова

**Сув ва салқин ичимликларни импорт қилувчи ташкилотлар томонидан мажбурий  
рақамли маркировкалаш тизимини босқичма-босқич жорий қилиш  
ГРАФИГИ**

| Т/р   | Тадбирлар номи   | Амалга ошириш муддати          |                                 |
|---|--|--------------------------------|---------------------------------|
|   |  | биринчи гуруҳ                  | иккинчи гуруҳ                   |
| <b>1-босқич. Мажбурий рақамли маркировкалаш тизимига ўтиш юзасидан тайёргалик ишларни амалга ошириш</b> |  |                                |                                 |
| 1.1   | “Asl belgisi” МАТда рўйхатдан ўтиш ва тегишли шартномани имзолаш.  | 2023 йил<br>5 февралга қадар   | 2024 йил<br>5 мартга қадар      |
| 1.2   | Рақамли маркировка қоидалари ва “Asl belgisi” МАТда ишлаш тартиби юзасидан масъул ходимларни ўргатиш.  | 2023 йил<br>20 февралга қадар  | 2024 йил<br>20 мартга қадар     |
| 1.3   | “Маркировкаланган маҳсулотлар каталоги” тизимига барча ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни киритиш.  | 2023 йил<br>25 июнга қадар     | 2024 йил<br>25 июлга қадар      |
| 1.4   | “Asl belgisi” МАТ Операторига рақамли маркировка кодларини буюртма беришни йўлга қўйиш.  | 2023 йил<br>15 июндан бошлаб   | 2024 йил<br>15 июндан бошлаб    |
| 1.5   | Рақамли маркировкаланмаган маҳсулотлар қолдиги ҳажмини аниқлаш мақсадида корхонада тегишли хатловни амалга ошириш ҳамда маълумотларни Давлат солиқ қўмитасига ва “Asl belgisi” МАТга тақдим этилишини таъминлаш.             | 2023 йил<br>1 июлга қадар      | 2024 йил<br>1 августга қадар    |
| 1.6   | Рақамли маркировкаланмаган сув ва салқин ичимликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда “эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштириш.   | 2023 йил<br>1 июлга қадар      | 2024 йил<br>1 августга қадар    |
| <b>2-босқич. Мажбурий рақамли маркировкалашни жорий этиш</b>  |  |                                |                                 |
| 2.1   | Мажбурий рақамли маркировкаланган сув ва салқин ичимликларни импорт қилинишини йўлга қўйиш.  | 2023 йил<br>1 июлдан бошлаб    | 2024 йил<br>1 августдан бошлаб  |
| 2.2   | Маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тўғрисидаги маълумотлар “Asl belgisi” МАТга тақдим этилишини талаб қилиш.   | 2023 йил<br>10 июлдан бошлаб   | 2024 йил<br>10 августдан бошлаб |
| 2.3   | Импорт қилинадиган маҳсулотлар партияси бўйича агрегацияланган импорт коди божхона юк декларациясида акс эттирилишини ҳамда импорт тўғрисидаги тегишли хабарнома “Asl belgisi” МАТ операторига тақдим этилишини йўлга қўйиш. | 2023 йил<br>1 августдан бошлаб | 2024 йил<br>1 сентябрдан бошлаб |
| <b>3-босқич. Агрегациялаш тизимини жорий қилиш</b>  |  |                                |                                 |
| 3.1   | Агрегациялаш тизимининг тартиб ва қоидаларини ўрганиш.   | 2023 йил<br>1 декабрга қадар   | 2025 йил<br>5 январга қадар     |



| Т/р  | Тадбирлар номи  | Амалга ошириш муддати          |                                |
|--|---|--------------------------------|--------------------------------|
|  |   | биринчи гуруҳ                  | иккинчи гуруҳ                  |
| 3.2  | Тизимни жорий қилиш учун талаб қилинадиган ускуна ва дастурий маҳсулотларни сотиб олиш бўйича шартномаларни тузиш.  | 2024 йил<br>1 январга қадар    | 2025 йил<br>1 февралга қадар   |
| 3.3  | Ускуна ва дастурий маҳсулотлар ўрнатилишини таъминлаш.  | 2024 йил<br>15 мартга қадар    | 2025 йил<br>15 апрелга қадар   |
| 3.4  | Тайёр маҳсулотларни агрегациялаш тизимини йўлга қўйиш.  | 2024 йил<br>1 апрелдан бошлаб  | 2025 йил<br>1 майдан бошлаб    |
| <b>4-босқич. Маркировкаланмаган маҳсулотларни сотиш, маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни “Asl belgisi” МАТга тақдим этиш</b> |   |                                |                                |
| 4.1  | Маркировкаланмаган сув ва салқин ичимликлар қолдиқларининг сотилишини ва (ёки) учинчи шахсларга сотилиши билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муомаладан чиқарилишини таъминлаш. | 2024 йил<br>1 январга қадар    | 2025 йил<br>1 февралга қадар   |
| 4.2  | Рақамли маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон ҳисоб-варақ фактураларга бириктирилишини таъминлаш.   | 2024 йил<br>1 апрелдан бошлаб  | 2025 йил<br>1 майдан бошлаб    |
| 4.3  | Сув ва салқин ичимликларни савдо субъектларига сотиш тўғрисида маълумотларни “Asl belgisi” МАТга тақдим этиш.   | 2024 йил<br>10 апрелдан бошлаб | 2025 йил<br>10 майдан бошлаб   |
| 4.4  | Маҳсулотлар айланмаси бўйича барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни “Asl belgisi” МАТга киритиш.  | 2024 йил<br>1 июлдан бошлаб    | 2025 йил<br>1 августдан бошлаб |

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “ 1 ” ноябрдаги 631-сон қарорига  
4-илова

**Сув ва салқин ичимликларни улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари томонидан  
мажбурий рақамли маркировкалаш тизимига босқичма-босқич ўтиш  
ГРАФИГИ**

| Т/р | Тадбирлар номи  | Амалга ошириш муддати       |                           |                             |                              |
|-----|---|-----------------------------|---------------------------|-----------------------------|------------------------------|
|     |   | Биринчи гуруҳ               |                           | Иккинчи гуруҳ               |                              |
|     |   | Улгуржи савдо               | Чакана савдо              | Улгуржи савдо               | Чакана савдо                 |
| 1   | “Asl belgisi” МАТда рўйхатдан ўтиш ва тегишли шартномани имзолаш.   | 2023 йил 1 октябрга қадар   | 2024 йил 1 мартга қадар   | 2024 йил 1 ноябрга қадар    | 2025 йил 1 мартга қадар      |
| 2   | Рақамли маркировка қоидалари ва “Asl belgisi” МАТда ишлаш тартиби бўйича масъул ходимларни ўргатиш.   | 2023 йил 15 октябрга қадар  | 2024 йил 15 мартга қадар  | 2024 йил 15 ноябрга қадар   | 2025 йил 15 мартга қадар     |
| 3   | Маркировкаланган сув ва салқин ичимликларни қабул қилиш бўйича зарур ускуна ва дастурий маҳсулотлар ўрнатилишини таъминлаш.   | 2023 йил 15 декабрга қадар  | 2024 йил 15 июнга қадар   | 2025 йил 15 январга қадар   | 2025 йил 15 июлга қадар      |
| 4   | Рақамли маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни электрон ҳисобварақ- фактураларга бириктирилишини таъминлаш.   | 2024 йил 1 апрелдан бошлаб  | 2024 йил 1 июлдан бошлаб  | 2025 йил 1 майдан бошлаб    | 2025 йил 1 августдан бошлаб  |
| 5   | Маркировкаланган сув ва салқин ичимликларнинг бевосита ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчилардан, шу жумладан, улгуржи савдо корхоналаридан сотиб олиниши тўғрисидаги маълумотларни “Asl belgisi” МАТга тақдим этилишини таъминлаш. | 2024 йил 10 апрелдан бошлаб | 2024 йил 10 июлдан бошлаб | 2025 йил 10 майдан бошлаб   | 2025 йил 10 августдан бошлаб |
| 6   | Маркировкаланмаган сув ва салқин ичимликлар қолдиқларининг сотилиши ва (ёки) учинчи шахсларга сотилиши билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муомаладан чиқарилишини таъминлаш.   | 2024 йил 1 апрелга қадар    | 2024 йил 1 июлга қадар    | 2025 йил 1 майга қадар      | 2025 йил 1 августга қадар    |
| 7   | Сув ва салқин ичимликларнинг якуний истеъмолчига сотилиши тўғрисидаги маълумотларни “Asl belgisi” МАТга тақдим этиш.  | 2024 йил 20 июндан бошлаб   | 2024 йил 1 июлдан бошлаб  | 2025 йил 20 июлдан бошлаб   | 2025 йил 1 августдан бошлаб  |
| 8   | Маҳсулотлар айланмаси бўйича барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни “Asl belgisi” МАТга киритиш.  | 2024 йил 1 июлдан бошлаб    | 2024 йил 1 июлдан бошлаб  | 2025 йил 1 августдан бошлаб | 2025 йил 1 августдан бошлаб  |

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “ 1 ” ноябрдаги 631-сон қарорига  
5-илова

## **Сув ва салқин ичимликларни идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш хусусиятлари тўғрисидаги НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сув ва салқин ичимликларни идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш хусусиятларини, шунингдек, идентификация воситаларининг тавсифларини, маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари томонидан “Asl belgisi” миллий ахборот тизими операторига (кейинги ўринларда – “Asl belgisi” МАТ оператори) айланма тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш босқичлари ва муддатларини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**маҳсулотлар** – мажбурий рақамли маркировкаладиган сув ва салқин ичимликлар.

**маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари** – маҳсулотни айланмага киритувчи, унинг айланмасини ва (ёки) айланмадан чиқарилишини амалга оширувчи, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган, Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари ва норезидентлари ҳисобланган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

**истеъмол қадоғи** – сув ва салқин ичимликларнинг якуний истеъмолчига сотиш учун мўлжалланган қадоғи;

**агрегациялаш** – сув ва салқин ичимликларнинг транспорт ўрамини бузмаган ҳолда уларнинг айланма занжири бўйлаб ҳаракати кузатилишини таъминлаш мақсадида идентификация воситалари ўртасидаги ўзаро боғлиқ маълумотларни сақлаб қолиш орқали истеъмол қадоқларини транспорт ўрамига, шунингдек, транспорт ўрамларини юқори босқичдаги транспорт ўрамига бирлаштириш жараёни;

**агрегацияланган импорт коди** – “Asl belgisi” МАТ оператори томонидан шакллантириладиган ва божхона юк декларациясида кўрсатиладиган, ўзи билан ҳар бир маҳсулотнинг маркировка кодларини бирлаштирувчи, маҳсулотларнинг алоҳида жамланмаси учун белгиларнинг такрорланмас кетма-кетлиги;

**маркировкакаш ахборот тизими** – “Asl belgisi” маҳсулотларни маркировкакаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда – “Asl belgisi” МАТ);

**сервис-провайдер** – маҳсулотлар айланмаси иштирокчисининг топшириғи бўйича маркировка кодининг идентификация воситасига ўзгартирилишини ва идентификация воситасининг истеъмол қадоғига ва (ёки) гуруҳланган қадоғига, ёрлиққа ва (ёки) стикерга “Asl belgisi” МАТ оператори томонидан тақдим этиладиган дистрибуциянинг, нашрнинг ва валидациянинг дастурий-аппарат мажмуасини қўллаш туширилишини ҳамда идентификация воситаларининг валидациясини амалга оширувчи юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор;

**стикер** – сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкакаш учун мўлжалланган, шунингдек, истеъмол қадоғига ёки гуруҳланган қадокқа маҳкамланувчи, идентификация воситасини шикастламасдан қадокдан унинг ажратиб олинишига йўл қўйилмайдиган усулда идентификация воситасини тушириш учун мўлжалланган қўшимча ёрлиқ (ёпиштирма ёрлиқ);

**ТИФ ТН коди** – Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатураси коди;

3. 10 литрдан ортиқ флекси-танклар ёки бошқа турдаги қадоклардаги концентратлар, шунингдек, шарбатлар ва шарбат маҳсулотларини тайёрлаш учун ишлатиладиган концентратларга идентификация воситалари ёрдамида мажбурий рақамли маркировкакаш талаби татбиқ этилмайди.

4. Ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи ташкилотлар 2023 йил 1 мартдан бошлаб идентификация воситаларини шакллантириш, уларни сув ва салқин ичимликларнинг истеъмол ҳамда гуруҳланган қадокларига туширилиши учун зарур бўлган маркировкакаш кодларини “Asl belgisi” МАТ операторига тегишли тўловларни амалга оширган ҳолда буюртма қилишга ҳақли.

5. 2023 йил 1 июлгача “Asl belgisi” МАТ оператори томонидан тақдим этилган маркировка кодлари асосида рақамли маркировкакаланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилса, мазкур маҳсулотлар 2023 йил 1 июль ҳолатига кўра рақамли маркировкакаланган деб ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида идентификация воситаларини қўлламасдан, маҳсулотларни 2023 йил 1 июлгача муомалага чиқаришга рухсат этилади.

7. Сув ва салқин ичимликларнинг тегишли гуруҳини мажбурий рақамли маркировкакаш тартибини жорий қилиш кунига қадар ишлаб

чиқарувчи ва импорт қилувчи ташкилотлар “Asl belgisi” МАТ операторига маркировка кодларини буюртма бериш ҳамда ушбу маҳсулотларнинг бирламчи ва иккиламчи қадоқларига идентификация воситаларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқаришга ҳақли.

**2-боб. Маркировка кодига киритилган маълумотларнинг таркиби, сув ва салқин ичимликларнинг истеъмол қадоқларида идентификация воситаларини шакллантириш ва қўллаш тартиби**

8. Сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкакаш GS1 DataMatrix кўринишидаги икки ўлчовли штрих-код шаклида идентификация воситасини (машинада ўқиладиган шаклдаги маркировка коди) шакллантириш ва истеъмол қадоғига қўллаш орқали амалга оширилади.

Сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкакаш ва кузатиб бориш схемаси мазкур Низомга иловада қайд этилган.

9. Идентификация воситаси “Asl belgisi” МАТ оператори томонидан яратиладиган маркировка коди ва қуйидаги 3 та гуруҳ маълумотларини ўз ичига олади:

маълумотларнинг биринчи гуруҳи – 14 та белгидан (рақамлардан) иборат бўлган маҳсулот коди ҳамда қўллаш идентификатори (01);

маълумотларнинг иккинчи гуруҳи – 13 та рақамли белги ёки ҳарфли-рақамли кетма-кетликдан (рақамлар, лотин алифбосининг кичик ва катта ҳарфлари, шунингдек, махсус белгилар) иборат қадоқнинг индивидуал серия рақами ҳамда қўллаш идентификатори (21);

учинчи маълумотлар гуруҳи – 4 та белгидан (рақамлар, лотин алифбосининг кичик ва катта ҳарфлари, шунингдек, махсус белгилар) иборат текшириш калити ҳамда қўллаш идентификатори (93).

10. “Asl belgisi” МАТ оператори қуйидаги ҳолларда маркировка кодларини беришдан бош тортади:

а) буюртма маҳсулотларини идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкакаш ва уларнинг айланмасини кузатиб бориш қоидаларида назарда тутилган талабларга жавоб бермаса;

б) буюртма сув ва салқин ичимликларни ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;

11. Идентификация воситаси истеъмолчи ўрамига ва (ёки) гуруҳли ўрамга ва (ёки) ёрлиғига ва (ёки) идентификация воситасини маҳсулот ўрамидан ажратишга имкон бермайдиган стикерга қўлланилади.

Истеъмолчи қадоқларида ҳар бир майдон учун камида 10x10 миллиметр ўлчамдаги идентификация воситаси қўлланилади.

Идентификация воситаларини қўллаш жойи маҳсулот айланмаси иштирокчиси томонидан мустақил равишда белгиланади.

Гуруҳ ва транспорт пакетларида идентификация воситаси қадоққа қўлланилади ва агрегациялаш тадбирларининг бажарилишини осонлаштириш учун ўлчамлари бўлиши талаб этилади.

Идентификация воситаси пакетнинг ўқиш мумкин бўлган исталган соҳасига қўлланилиши мумкин.

12. Идентификация воситаси шундай жойлаштирилиши керакки, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ маҳсулот ўрамига қўлланиладиган маълумотларнинг яхлитлиги бузилмаслиги лозим.

13. Истеъмол қадоғига қўлланиладиган идентификация воситаси қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

идентификация воситаси бевосита босиб чиқариш йўли ҳамда сув ва салқин ичимликларнинг яроқлилик муддати давомида идентификация воситалари истеъмолчи қадоқларидан шикастламасдан ажратиб олинишига йўл қўйилмайдиган усули билан истеъмол қадоқларига қўлланилади;

идентификация воситаси тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш линиясида ёки унга қарашли омборхона ҳудудида ёхуд божхона омборларида моддий ташувчига (ёрлик) икки ўлчовли штрих кодни қўллаш истеъмол қадоғига махсус ажратилган контраст жойига (камида 10\*10 миллиметр ўлчамида) босиб тушириш ёки стикер билан елимлаш орқали амалга оширилади.

идентификация воситалари ҳажми ва жойлашуви истеъмол қадоғи очилмаган (бузилмаган) ҳолда идентификация воситаларини тўғридан-тўғри аниқлаш ва ўқиш имконини таъминлаш, шу жумладан, маълумотларни йиғиш терминаллари, махсус (мобил) иловалар, лазер сканерлари орқали ўқиш имконини таъминлаши лозим;

идентификация воситалари шаффоф ўраш плёнкасига ёки бошқа ташқи ўраш материалига босилмаслиги ва бошқа маълумотлар билан қопланмаслиги лозим;

идентификация воситаси ISO/IEC 15415 “Ахборот технологиялар. Автоматик идентификациялаш ва маълумотларни йиғиш технологиялари. Чоп этиш сифатини баҳолаш учун штрих коди рамзларини тест спецификацияси. Икки ўлчамли рамзлар” (ISO/IEC 15415 “Information technology – Automatic identification and data capture techniques – Bar code print quality test specification – Two-dimensional symbols”) стандартига мувофиқ С ёки ундан юқори сифатли синф даражасида қўлланилади.

14. Сув ва салқин ичимликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган тақдирда, ушбу маҳсулотларга рақамли идентификациялаш воситаларини қўллаш тадбири маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки сақлаш жойларида амалга оширилади.

Бошқа давлатлардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сув ва салқин ичимликлари олиб кирилган (импорт қилинган) тақдирда, уларга рақамли идентификациялаш воситаларини елимлаш куйидаги тартибда амалга оширилиши мумкин:

сув ва салқин ичимликларни ишлаб чиқариш вақтида;

Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини ўтмасдан, бошқа давлатларнинг ҳудудида;

божхона омбори ҳудудида “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимига расмийлаштирилгунга қадар.

15. Маркировка кодларини идентификация воситаларига ўтказиш ва уларни истеъмол ўрамида ва (ёки) гуруҳли ўрамда ва (ёки) ёрликда ва (ёки) стикерда қўллаш тадбирлари ишлаб чиқарувчи, импорт қилувчи ташкилотлар ва (ёки) хизматлар провайдери томонидан амалга оширилади.

16. Хизмат кўрсатувчи сервис-провайдер идентификация воситаларини қўллашда идентификация воситаларини босиб чиқариш сифати стандартларига мувофиқлигини таъминлаши шарт.

17. Хизмат кўрсатувчи провайдер маркировка кодини идентификация воситасига айлантириб, уни қадоқ ёки ёрлик ёки стикерга қўллаганидан сўнг маҳсулот айланмасига қўлланадиган идентификация воситаси билан пакет ёки ёрлик ёки стикерни ўтказишдан олдин чоп этиш сифати тасдиқланади.

18. Хизмат кўрсатувчи ташкилот Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июлдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган Озиқ-овқат маҳсулотлари билан алоқа қилишда қадоқлаш хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентнинг (O‘zTR.476-021: 2017) санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган сертификатланган материаллардан фойдаланиши шарт.

19. Идентификация воситаларини қўллаш усули ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган сақлаш ва ташиш шартларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулотнинг бутун яроқлилиқ муддати давомида идентификация воситаларининг хавфсизлигини (барқарорлигини) таъминлаши лозим.

20. Хизмат кўрсатувчи провайдер айланма иштирокчиларидан олинган маркировка кодларини учинчи шахсга бериши таъқиқланади.

21. Идентификация қилиш воситасини моддий ташувчига (стикерга) босиб чиқаришга рухсат этилади:

Идентификация воситасини ўз ичига олган моддий ташувчи (стикер) истеъмол қадокларига идентификация воситасини шикастламасдан ва уни қадокдан ажратиб олинишига йўл қўйилмайдиган усулда қўлланилади;

Моддий ташувчига (стикерга) қўлланиладиган идентификация воситалари мазкур Низом талабларига жавоб бериш лозим.

22. Истеъмол қадоғига стикерни қўллаш учун қуйидаги талаблар қўйилади:

а) стикер ишлаб чиқарилгандан бошлаб якуний истеъмолчига сотилгунига қадар идентификация воситаси ва унда чоп этилган бошқа маълумотларнинг сақланиши ва ўқилиши таъминланган усулда тайёрланади;

б) стикер тўғридан-тўғри қадокқа (қадокнинг ташқи томонига) бундай қадокнинг дизайн схемасида уни қўллаш учун назарда тутилган жойда қўлланилади;

в) стикер қадокқа ва мазкур стикернинг ўзига зарар етказмасдан ажратишга имкон бермайдиган ҳамда уларни қайта ишлатиш мумкин бўлмаган усул билан қўлланилади;

г) стикер қўлланилиши техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ қадокқа қўлланиладиган маълумотларнинг яхлитлиги ва мавжудлигини бузмаслиги лозим;

д) стикерда мазкур Низом талабларига жавоб берадиган идентификация воситаси, шунингдек, ўқиладиган босма матн кўринишидаги рақамли маркировкаладиган сув ва салқин ичимликнинг номи, маҳсулот коди ва қадокнинг индивидуал серия рақами бўлиши керак;

е) стикер устига стикер юзасини қоплайдиган ва (ёки) идентификация воситаларини ўқишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай ёзувлар, чизмалар ва ўраш элементларини қўллашга йўл қўйилмайди;

23. Мажбурий рақамли маркировкалаш бошланиши санасидан олдин идентификация воситаси қўлланилганлиги ҳақидаги маълумотларни “Asl belgisi” МАТга юборилган ҳамда “Asl belgisi” МАТ оператори томонидан тақдим этилган маркировка кодлари асосида шакллантирилган идентификация воситаси орқали сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкалашнинг бошланиш куни ҳолатида рақамли маркировкаланган деб тан олинади.



### **3-боб. Идентификация воситаларини шакллантириш учун белгиланган тўловларни ундириш, сув ва салқин ичимликларнинг кузатилишини таъминлаш учун зарур бўлган маркировка кодларини тақдим этиш**

24. Идентификация воситаларини шакллантириш ҳамда сув ва салқин ичимликларнинг кузатилишини таъминлаш учун зарур бўлган маркировка кодларини тақдим этиш учун тўлов маркировка кодларини тақдим этиш санадан сўнг амалга оширилади.

25. Сув ва салқин ичимликларни муомалага киритиш, уларнинг муомалада бўлиши ва муомаладан чиқарилиши маҳсулотларни идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш ва уларнинг айланмасини кузатиб бориш қоидалари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

### **4-боб. Сув ва салқин ичимликларни агрегациялаш тартиби**

26. Ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар маҳсулотларни агрегациялашни (гуруҳли қадокдаги якка ўрамлар, гуруҳли ўрамларни транспорт қадокларига) амалга оширадилар ва маҳсулотларни агрегациялаш тўғрисидаги маълумотларни уни кейинги иштирокчига топширишдан (сотишдан) олдин ахборот ёрлиғи тизимида ўтказадилар.

27. Маҳсулотларни гуруҳли қадоклаш учун идентификация воситаси учта маълумот гуруҳини ўз ичига олган маркалаш кодини ўз ичига олади.

Ушбу маълумотларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳлари маҳсулотларнинг гуруҳли қадоклаш коди, учинчи гуруҳ - текшириш коди.

Бунда:

**биринчи гуруҳ** – 14 та рақамдан иборат бўлиб, ундан олдин дастур идентификатори (01) бўлган маҳсулот кодини ўз ичига олади, бу код маҳсулот каталогига маҳсулот айланмаси иштирокчилари томонидан киритилган маълумотлар асосида “Asl belgisi” МАТ оператори томонидан ишлаб чиқарилади;

**иккинчи гуруҳ** – 13 та белгидан иборат (рақамлар, латин алифбосининг кичик ва бош ҳарфлари, шунингдек, махсус белгилар) ва маҳсулотнинг гуруҳли қадоклашдаги индивидуал серия рақами бўлиб, ундан олдин дастур идентификатори (21) мавжуд. ва “Asl belgisi” МАТ оператори ёки маҳсулот айланмаси иштирокчилари томонидан шакллантирилади (ASCII белгилар жадвалидаги 29 кодли белги ушбу маълумот гуруҳи учун охириги белгидир);

**учинчи гуруҳ** – 4 та белгидан иборат (рақамлар, лотин алифбосининг кичик ва бош ҳарфлари, шунингдек, махсус белгилар) ва текшириш коддини ўз ичига олади, олдидан илова идентификатори (93) бўлади ва “Asl belgisi” МАТ оператори томонидан ишлаб чиқарилади.

Маҳсулотларни гуруҳли қадоқлаш учун идентификация воситаси GS1 ДатаМатрих форматида икки ўлчовли штрих-код кўринишида қўлланилади.

Гуруҳ пакети учун идентификация воситаси пакетнинг олд ёки ён томонига қўлланилади ва йиғиш жараёнига мос келадиган ўлчамда бўлиши керак.

28. Сув ва салқин ичимликларни ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар тегишли гуруҳини мажбурий рақамли маркировкалаш тартиби жорий қилинган кундан бошлаб 9 ой ўтгач сув ва салқин ичимликларни агрегациялашни амалга оширади.

29. Алоҳида қадоқни гуруҳланган қадоққа ва гуруҳланган қадоқни транспорт қадоғига агрегациялашни амалга оширгандан сўнг, агрегациялангани тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар томонидан маҳсулот айланмасининг кейинги иштирокчисига узатишдан (сотишдан) аввал “Asl belgisi” МАТга киритади.

30. Сув ва салқин ичимликларни агрегациялаш тартиби, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 833-сон қарорининг 1-илоvasи “Маҳсулотларни идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш ва уларнинг айланмасини кузатиб бориш қоидалари”да қайд этилган талаблар асосида амалга оширилади.

31. “Агрегациялаш тадбирини амалга ошириш мақсадида маҳсулот айланмасининг иштирокчиси қўйидаги маълумотларни “Asl belgisi” МАТга юборади:

- агрегациялашни амалга оширувчи маҳсулот айланмаси иштирокчисининг СТИРи;

- ишлаб чиқариш линиясини идентификатори;

- ишлаб чиқариш буюртмани идентификатори;

- агрегациялашга режалаштирилган қадоқлар сони;

- ҳақиқатда агрегацияланган қадоқлар сони;

- яратиладиган гуруҳланган ёки транспорт қадоқнинг идентификация коди;

- яратиладиган гуруҳланган ёки транспорт қадоғига киритилган агрегирланган қадоқларнинг маркировка кодлари рўйхати;

32. Транспорт қадогининг идентификация коди агрегациялаш тадбирини амалга оширувчи маҳсулот айланмасининг иштирокчиси томонидан яратилади (генерация қилинади) ҳамда “ISO/IEC 15459-1:2006 “Information technology - Unique identifiers - Part 1: Unique identifiers for transport units” стандарти талабларига мувофиқ қадокнинг устида қўлланилади.

33. “Asl belgisi” МАТ оператори қўйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, маҳсулот айланмасининг иштирокчисига агрегациялаш маълумотларини қабул қилишга ҳамда транспорт қадогининг маълумотларини рўйхатдан ўтказишни рад этади:

- маҳсулот айланмасининг иштирокчиси битта ёки бир неча агрегацияланадиган қадоклардаги маркировка кодларининг эгаси бўлмаса;

- агрегацияланадиган қадокларнинг маркировка кодлари рўйхати ноёб (такрорланмас) бўлмаган маркировка кодларидан иборат бўлса;

- агрегацияланадиган қадокларнинг маркировка кодлари рўйхатида “Asl belgisi” МАТда рўйхатдан ўтмаган маркировка кодлари мавжуд бўлса;

- агрегацияланадиган қадокларнинг маркировка кодлари рўйхатида “Asl belgisi” МАТда маркировка кодлари қўлланилганлиги ёки маркировка кодлари учун тўловлар амалга оширилганлиги юзасидан маълумотлар мавжуд бўлмаса;

- агрегацияланадиган қадокларнинг маркировка кодлари рўйхатида айланмадан чиқарилган ҳолатда бўлган маркировка кодлари мавжуд бўлса;

- агрегацияланадиган қадокларнинг маркировка кодлари рўйхатида бошқа маҳсулот турлари учун буюртма қилинган маркировка кодлари мавжуд бўлса;

- яратиладиган гуруҳланган ёки транспорт қадогининг идентификация коди қабул қилинган форматга мувофиқ бўлмаса;

- яратиладиган гуруҳланган ёки транспорт қадогининг идентификация коди “Asl belgisi” МАТда аввал рўйхатдан ўтказилган бўлса;

34. “Asl belgisi” МАТ оператори қўйидаги ҳолатларда гуруҳланган ёки транспорт қадогининг агрегациясини бузиш (бекор қилиш) тадбирини амалга оширади:

- “Asl belgisi” МАТда гуруҳланган ёки транспорт қадогига бириктирилган маркировка кодлари қайта агрецияланган бўлса;

- “Asl belgisi” МАТга гуруҳланган ёки транспорт қадогига бириктирилган маркировка кодлари айланмага киритилганлиги

(реализация қилинганлиги) ёки айланмадан чиқарилганлиги юзасидан маълумотлар тақдим этилган бўлса.

### **5-боб. Мазкур Низом талабларига риоя қилиш**

35. Мазкур Низом талабларига риоя этилишини назорат қилиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа назорат қилувчи органлар (муассасалар) томонидан амалга оширилади.

36. Назорат қилувчи органлар (муассасалар) мазкур Низом талабларига риоя этилишини текшириш учун тегишли эксперт ва мутахассисларни жалб қилиши мумкин. Маҳсулот айланмаси иштирокчилари текширувчи шахсларга текширув ўтказишда ёрдам беришлари, камчилик ва қонунбузарликларни баргараф этиш чораларини кўришлари шарт.

37. Мазкур Низом талабларини бузиш амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

### **6-боб. Яқунловчи қоида**

38. Сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкалашни жорий қилиш тартиби, айланмаси иштирокчиларининг “Asl belgisi” МАТда рўйхатдан ўтказиш ва тизим билан ахборот алмашинуви тартиби, маҳсулотлар юзасидан маълумотларни “Asl belgisi” МАТда рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳамда айланмага киритилиши, уларнинг айланмаси ва айланмадан чиқариш маълумотларини тақдим этиш тартиби ва муддатлари, шунингдек, ахборот тизимида мавжуд маълумотларга ўзгартириш киритиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 833-сон қарорининг 1-илоvasи билан тартибга солинади (Маҳсулотларни идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш ва уларнинг айланмасини кузатиб бориш қоидалари).

Сув ва салқин ичимликларни идентификация  
воситалари орқали рақамли маркировкалаш  
хусусиятлари тўғрисидаги Низомга  
илова

**Сув ва салқин ичимликларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш  
СХЕМАСИ**

| Субъектлар   | Тадбирлар  | Ижро муддати  |
|--|--|---|
| <b>1-босқич. Субъектни рўйхатдан ўтказиш</b>                                       |  |   |
| Сув ва салқин ичимликларни айланмаси иштирокчиси                                   | Зарур маълумотлар кўрсатилган аризани операторга алоқа каналлари орқали юборди ёки уни “Asl belgisi” маҳсулотларни рақамли маркировкалаш ва кузатилиши бўйича миллий ахборот тизимининг веб-сайтида (кейинги ўринларди – “Asl belgisi” МАТ) шакллантиради.   | Реал вақт режимида  |
| Оператор   | Агар ариза Низомда белгиланган талабларга мувофиқ бўлса:<br>субъектни иштирокчилар реестрига киритади;<br>иштирокчи учун шахсий кабинет очади;<br>субъектга иштирокчилар рўйхатига киритилгани ва шахсий кабинет очилгани тўғрисида хабар беради. Хабарномада, шунингдек, иштирокчилар рўйхатидаги Сув ва салқин ичимликларни айланмаси иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларга берилган рўйхатдан ўтиш рақамлари кўрсатилади. | Ариза олинган вақтдан бошлаб 2 (икки) соатдан кўп бўлмаган муддатда |
| Оператор   | Вақтинчалик низом талабларига жавоб бермайдиган маълумот юборилганда ва/ёки зарур маълумотлар тақдим этилмаган тақдирда, субъектни рўйхатдан ўтказишни рад этади.  | Ариза олинган вақтдан бошлаб 2 (икки) соатдан кўп бўлмаган муддатда |
| <b>2-босқич. Сув ва салқин ичимликлар юзасидан маълумотларни каталогга киритиш</b> |  |   |
| Сув ва салқин ичимликлар айланмаси иштирокчиси                                     | Зарур маълумотлар кўрсатилган ҳолда сув ва салқин ичимликлар юзасидан маълумотларни “Маркировкаланган маҳсулотлар каталоги”га киритиш бўйича тегишли маълумотларни “Asl belgisi” МАТга алоқа каналлари орқали юборди ёки уларни “Asl belgisi” МАТнинг веб-сайтида шакллантиради.   | Реал вақт режимида  |

|          |   |                    |
|----------|---|--------------------|
| Оператор | Аризада кўрсатилган маълумотлар Низом талабларига мувофиқ бўлган тақдирда: аризада келтирилган маълумотларни маҳсулот рўйхатига киритади; сув ва салқин ичимликлар айланмаси иштирокчисини сув ва салқин ичимликларни рўйхатига киритилганлиги тўғрисида хабардор қилади. | Реал вақт режимида |
|----------|---|--------------------|

**3-босқич. Маркировкалаш учун кодларни тақдим этиш**

|  |   |                    |
|--|---|--------------------|
| Сув ва салқин ичимликларни айланмаси иштирокчиси | Маҳсулотлар рўйхатига киритилган сув ва салқин ичимликларни рақамли маркировкалаш учун кодларни олишга Операторга алоқа каналлари орқали буюртманомани юборади. | Реал вақт режимида |
|--|---|--------------------|

|          |  |                    |
|----------|--|--------------------|
| Оператор | Агар буюртмада кўрсатилган маълумотлар Низом талабларига мувофиқ бўлса: керакли миқдордаги маркировкалаш кодларини сериялаштиради; Сув ва салқин ичимликларни айланмаси иштирокчиси – ишлаб чиқарувчи ёки сув ва салқин ичимликларни импорт қилувчига ушбу кодларнинг рўйхатини тақдим этади; тақдим этилган кодлар тўғрисидаги маълумотларни ИВ рўйхатига киритади. | Реал вақт режимида |
|----------|--|--------------------|

|  |  |   |
|--|--|---|
| Сув ва салқин ичимликларни айланмаси иштирокчиси | Операторга рўйхатдаги кодлар олинганлиги тўғрисидаги тасдиқни юборади.   | Маркировка кодлари рўйхати олинган вақтдан бошлаб реал вақт режимида<br><br>Сув ва салқин ичимликларнинг қутиларида идентификациялаш воситалари қўлланилгандан сўнг |
|  | Маркировкалаш кодларини идентификация воситасига ўзгартиради.  |   |
|  | Идентификациялаш воситасини сув ва салқин ичимликларга қўлланилишини таъминлайди.  |   |
|  | “Asl belgisi” MATга маркировкалаш кодларидан фойдаланилганлиги тўғрисидаги маълумотларни юборади (маҳсулот коди, идентификация коди, маркировкалаш санаси ва вақти, қўлланилган идентификация воситалари тўғрисидаги маълумотлар). |   |

| 4-босқич. Сув ва салқин ичимликларни ишлаб чиқариш ва уларнинг айланишини мониторинг қилиш |  |  |
|--|--|--|
| Сув ва салқин ичимликларни айланмаси иштирокчиси (ишлаб чиқарувчи)                         | Сув ва салқин ичимликларнинг агрегациясини амалга оширади.   | Реал вақт режимида   |
|  | “Asl belgisi” МАТ орқали автоматик режимда Операторга маҳсулот кодлари ҳамда янги гуруҳ ва транспорт пакетларини идентификациялаш, шунингдек, маҳсулот ва қадоқлаш кодлари рўйхати, шу жумладан, аввалги даражадаги қадоқлар (масалан, палетларни тузишда, унинг таркибига кирувчи қутилар рўйхати кўрсатилади) тўғрисидаги маълумотлар бўйича хабар беради.   | Реал вақт режимида   |
| Сув ва салқин ичимликларни айланмаси иштирокчиси (ишлаб чиқарувчи)                         | Мулкка эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини ёки товарлар сотиш учун берилганлигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжат асосида сув ва салқин ичимликлар муомаласи субъектлари ўртасида сув ва салқин ичимликларни топшириш (қабул қилиш) вақтида битим тарафлари:<br>Сув ва салқин ичимликларни топшириш (қабул қилиш) тўғрисида товар йўлланма варақаси шаклида билдиришнома тузади;<br>томонларнинг ваколатли шахслари томонидан кўрсатилган билдиришнома имзоланади;<br>топшириш (қабул қилиш) тўғрисида билдиришнома ва бирламчи ҳужжатнинг электрон нусхасини “Asl belgisi” МАТга юборади, шунингдек, маълумотни электрон ҳисоб-варақ фактура маълумотлари билан интеграциялаштиради. | Сув ва салқин ичимликларга эгалик ҳуқуқи ўтгандан сўнг 72 (етмиш икки) соатдан кўп бўлмаган муддатда |
| Сув ва салқин ичимликларни айланмаси иштирокчиси (импорт қилувчи)                          | Импорт қилинаётган маҳсулотларни эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштиради.   | Реал вақт режимида   |
|  | “Эркин муомалага чиқариш” (импорт) божхона режимига жойлаштирилгандан кейин операторга божхона юк декларациясида кўрсатилган товарларни чиқарилганлиги тўғрисида қуйидаги маълумотларни тақдим этади:<br>божхона органи коди;<br>товар декларациясини рўйхатдан ўтказиш санаси;<br>товар декларациясини рўйхатдан ўтказиш рақами;<br>ТИФ ТН кодлари;<br>транспорт қадоқларининг маркировка коди ва товар номи;<br>товарнинг келиб чиқиш мамлакати коди.  | Реал вақт режимида   |

|  |  |   |
|--|--|---|
| Оператор   | маълумотларни олгандан кейин уларни “Asl belgisi” MAT реестрида акс этилишини таъминлайди.   | Реал вақт режимида  |
| <b>5-босқич. Сув ва салқин ичимликларни муомаладан чиқариш</b> |  |   |
| Сув ва салқин ичимликларни айланмаси иштирокчиси               | Улгуржи ташкилот сув ва салқин ичимликларни онлайн – касса аппаратлари мавжуд бўлмаган чакана ташкилотларга сотаётган ҳолларда, Сув ва салқин ичимликларни айланмаси иштирокчиси – улгуржи савдо ташкилоти сотиладиган Сув ва салқин ичимликлар қадоқларида қўлланилган идентификация воситасини онлайн-касса аппаратлари билан бирлаштирилган техник воситалар ёрдамида сканерлайди ва танийди. | Реал вақт режимида  |
| Сув ва салқин ичимликларни айланмаси иштирокчиси               | Маҳсулот коди ва идентификация коди тўғрисидаги маълумотлар онлайн-касса аппарати орқали шакллантирилган “касса чеки” фискал ҳужжатга киритилади.  | Реал вақт режимида  |
| Фискал маълумотлар оператори                                   | Назорат касса чекидаги сотилган ҳар бир бирлик бўйича назорат касса машинасининг рўйхатга олинган рақами, сотилган сана, сотиш нархи, маҳсулот коди ва таркибидаги идентификация коди тўғрисидаги маълумотларни “Asl belgisi” MATга узатади. Онлайн-касса аппарати ишламай қолиши ҳоллари бундан мустасно.   | Сув ва салқин ичимликлар сотилган вақтдан бошлаб бир суткадан кеч қолмаган муддатда |
| Оператор   | Фискал маълумотлар операторидан олинган маълумотларга мувофиқ идентификация воситаси билан рақамли маркировкаланган Сув ва салқин ичимликларнинг муомаладан чиқиши тўғрисидаги маълумотларни “Asl belgisi” MATда акс эттиради.   | Реал вақт режимида  |



Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “ 1 ” ноябрдаги 631-сон қарорига  
6-илова

## **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 октябрдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги низомнинг 35-бандида “маркировка кодларини тақдим этиш,” сўзларидан кейин “шу жумладан божхона омборларда ушбу маҳсулотларни рақамли маркировкалаш юзасидан” сўзлари билан тўлдирилсин;

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари қуйидаги мазмундаги 58<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“58<sup>1</sup>. Мажбурий рақамли маркировкаланиши шарт бўлган товарларнинг чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари “Asl belgisi” рақамли маркировкалаш ва маҳсулотларни кузатиб бориш миллий ахборот тизимида рўйхатдан ўтган бўлишлари шарт”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги 861-сон қарори билан тасдиқланган Идишда қадокланган ичимлик сувининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентнинг рус тилидаги матни 10-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Питьевая вода выпускается в обращение на внутреннем рынке Республики Узбекистан при наличии сертификата соответствия, маркировки национальным знаком соответствия, подтверждаемой сертификатом соответствия, а также маркировки средствами цифровой идентификации”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 мартдаги 119-сон қарори билан тасдиқланган Мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентнинг 9-бандида:

қуйидаги таҳрирда учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Барча ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар амалдаги идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш Қоидаларига риоя этган ҳолда рақамли маркировкаланган бўлиши зарур”;

учинчи–бешинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 июндаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Алкоголсиз ичимликларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентнинг 11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Алкоголсиз ичимликларни Ўзбекистон Республикаси ички бозорига муомалага чиқариш мувофиқлик сертификати ҳамда рақамли маркировкаси

мавжуд бўлганда амалга оширилади. Мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) жараёнларидан ўтган ва Техник регламент талабларига жавоб берадиган алкогольсиз ичимликлар мувофиқлик миллий белгиси билан тамғаланади”.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарори билан тадиқланган “Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида низомнинг 63-банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“63. Етказиб берувчи томонидан тақдим этилган электрон ҳисобварақ-фактура ўн календарь кун, рақамли маркировкаганиши лозим бўлган маҳсулотлар бўйича эса бир календарь кун ичида сотиб олувчи томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши ёки сабаби кўрсатилган ҳолда рад этилиши шарт”.

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2020 йил 21 ноябрдаги 737-сон қарорига 1-илованинг 5-позицияси “Мажбурий рақамли маркировкалаш бошланадиган сана” устунидаги “2022 йил 1 октябрь” сўзлари “2023 йил 1 июль” сўзлари билан алмаштирилсин.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининг “Мажбурий рақамли маркировкаганиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 20 майдаги 322-сон қарорига 1-илованинг 3-позицияси “Мажбурий рақамли маркировкалашни босқичма-босқич жорий этиш бошланадиган сана\*” устунидаги “2022 йил 1 октябрь” сўзлари “2023 йил 1 июль” сўзлари билан алмаштирилсин.

